

ПЕДАГОГИКА ОЛИЙ ТАЪЛИМИ ТАЛАБАЛАРНИ БАДИЙ ҚАДРИЯТЛАРНИ ЎРГАНИШГА ЙЎНАЛТИРИШ

Солиева Мафтуна

Жиззах давлат педагогика унверситети, педагогика ва
психология факултети тютори

Аннотация:

Мақола педагогика олий таълими талабаларни бадиий қадриятларни ўрганишга йўналтирилган бўлиб, унда бадиий қадриятлар орқали креатив ғоялларни илгари суринамасаласи ёритилган.

Калит сўз: Бадиий, интеллектуал ғоя, креатив, ақлий ҳаракат, эстетик нафосат, бадиий қадирият, эврестик.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 26.03.2021йилдаги “**Маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида**”ги ПҚ-5040-сон қарорида, мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотлар ва бунёдкорлик ишлари натижасида халқимизнинг онгу тафаккури, дунёқарашининг тубдан ўзгариб бораётганлиги «Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари» деган хаётбахш ғоя асосида тобора муҳим аҳамият касб этмоқда. Бироқ, қилинаётган барча саъии – ҳаракатларга қарамасдан маънавий-маърифий ислоҳотларга тўсиқ бўлаётган муаммолар ҳам учраб турибди. Булар:

- маънавий-маърифий жараёнларни ташкил этишда яхлит тизим мавжуд эмаслиги;
- ёшларни маънавий таҳдидлардан ҳимоя қилиш борасида етарли даражада ташкилий-амалий ва илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмаётганлигини мисол тартиқсида келтириб ўтиш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 26.03.2021йилдаги “**Маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида**”ги ПҚ-5040-сон қарорида мавжуд муаммоларни ҳал этиш, маънавий-маърифий ишларнинг самараси ва таъсирчанлигини ошириш мақсадида:

- жамиятда соғлом дунёқарашиб ва бунёдкорликни умуммиллий ҳаракатга айлантириш;
- оила, таълим ташкилотлари ва маҳаллаларда маънавий тарбиянинг узвийлигини таъминлаш;
- ёшларнинг ғоявий ва ахборот хуружларига қарши мағкуравий иммунитетини кучайтириш;
- маданият, адабиёт, кино, театр, мусиқа ва санъатнинг барча турлари, ноширлик-матбаа маҳсулотлари, оммавий ахборот воситаларида маънавий-ахлоқий мезонлар, миллий ва умуминсоний қадриятларнинг устуворлигига эришиш;
- терроризм, экстремизм, ақидапарастлик, одам савдоси, наркобизнес ва бошқа хатарли таҳдидларга қарши самарали ғоявий кураш олиб бориш кабилар маънавий-маърифий

ишлар тизимини тубдан такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари этиб белгиланган. Шуни иинобатга олган ҳолда ёшларда бадиий қадриятларга хурмат туйғусини ишаклантириш учун худди шу қарорнинг илмий-тадқиқот йўналишида:

- маънавий-маърифий ишларни амалга оширишнинг самарали ва таъсирчан тарғибот технологиялари ҳамда усулларини ишлаб чиқиш;

- маънавий-маърифий ва тарбиявий ишларни ташкил этишга доир хорижий тажрибани ўрганиш, шунингдек, бугунги мағкуравий жараёнларни илмий-амалий жиҳатдан атрофлича таҳлил қилиш ва баҳолаш;

- мактабгача таълим, умумий ўрта, ўрта маҳсус ва олий таълим тизими, маҳалла ва бошқа тузилмалар кесимида маънавий-маърифий ва тарбиявий ишларнинг мониторингини олиб бориш, аниқланган муаммоларни ҳал этиш бўйича илмий асосланган тарбия технологиялари, таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш;

маънавий тарбия ва ижтимоий-гуманитар фанлар бўйича фундаментал, амалий ва инновацион тадқиқотларни ташкил этиш, уларнинг натижалари амалиётга татбиқ қилинишини мувофиқлаштириш¹ масалаига эътибор қататган ҳолда қуилаги ишлар белгилаб олинди. Булар:

- Жондор Тўленовнинг “Қадирятлар фалсафаси” асарида берилган қадриятларга оид маълумотларни ўрганиш;

- қадрият тушунчаси ва унинг турларини ўрганиш, тахлил қилиш;

- бадиият тушунчаси ва унинг тахлили;

- бадиий қадриятлар моҳиятини ёшларга тўлақонли етказиш.

Қадрият — воқеликдаги муайян ҳодисаларнинг умуминсоний, ижтимоийахлоқий, маданиймаънавий аҳамиятини кўрсатиш учун қўлланадиган [тушунча](#). Инсон ва инсоният учун аҳамиятли бўлган барча нарсалар, масалан, эркинлик, тинчлик, адолат, ижтимоий тенглик, маърифат, ҳақиқат, яхшилик, гўзаллик, моддий ва маънавий бойликлар, анъана, урф-одат ва бошқалар Қадрият ҳисобланади. Ижтимоий фанларнинг кайси соҳасида Қадриятга доир тадқиқот олиб борилган бўлса, бу тушунчага шу жиҳатдан [таъриф](#) беришга интилишган².

Ж.Туленовнинг фикрича кундалик ҳаётда, кўпчилик назарида нарсалар (масалан, қимматбаҳо буюмлар, тақинчоқлар), табиат ҳодисалари, ижтимоий воқеалар, жамиятдаги талаблар, орзу-умидлар, анъана ва маросимлар, маданий бойликлар ва бошқалар қадрият сифатида тушунилади. Қадриятлар ўзининг моҳиятига кўра бир неча турга бўлинади. Масалан инсон ва унинг ҳаётда энг олий қадрият ҳисобланади. Инсоният ҳаётида бир қанча қадриятлар мавжуддир. Хусусан миллий қадрият, табиий қадрият, маънавий қадрият ва бадиий қадриятлар ва бошқалар мужассамдир³.

Бадиий сўзининг маъноси:

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори, 26.03.2021 йилдаги ПҚ-5040-сон// <https://lex.uz/docs/5344692>

² <https://qomus.info/encyclopedia/cat-q/qadriyat-uz/>

³

1 Вөкеликни нафис санъат воситалари, усуллари, образлари орқали ифода этувчи; Бадий адабиёт. Бадий асар. Бадий санъат. Бадий фильм, Бадий адабиёт нинг замири ҳаётдир.

2 Бадийликка тегишли, мансуб. Бадий маҳорат. Бадий тасвир. Бадий тафаккур. Бадий дид. Бадий салоҳият. Масалан, Ижодда фақат ниятнинг ўзи кифоя қилмайди, шунга яраша бадий салоҳият ва теран фикр ҳам зарур. Газетадан. Бадий фикр ўзининг шакли билан туғилади. У. Норматов, Талант тарбияси.

3. Бадий ижод билан боғлиқ ижодий фаолят. Бадий раҳбар, бадий ҳаваскорлар, бадий жамоа⁴.

Интеллектуал ғоя.....

Креативлик....

Ақлий ҳаракт.....

Эстетик нафосат.....

Бадий қадирият....

ЭВРИСТИКА (юн. пештзко — излайман, топаман) — 1) масала ечишнинг маҳсус усуллари (эвристик усуллар). Масалани аниқ математик моделларга таяниб ва анъанавий усуллардан фойдаланиб ечишнинг акси. Эвристик усуллардан фойдаланиш масалани ечиш вақтини анча қисқартиради. Бундай усулда олинган ечим энг тўғри ечим ҳисобланмайди, балки мумкин бўлган ечимлардан бири бўлади. Кўпинча, Эвристика ёрдамида қўйилган мақсадга эришиб бўлмайди. Баъзан психологик ва кибернетик адабиётда эвристик усулларга масалалар ечишнинг индуктив усуллари сифатида тушунилади;

2) ЭҲМ (компьютер) учун дастурлар тузиш усули (эвристик дастурлаш). Агар оддий дастурлар тузишида дастурчи масалани ечишнинг тайёр мат. усулини ЭҲМ га «тушунарли» шаклга кодласа, эвристик дастурлашда у масалани ечишнинг интуитив (ҳис қилиб) тушуниладиган усулини шакллантиришга интилади. Бу усул ҳам олдинга қўйилган вазифани мутлақ ҳал қилишга имкон бермайди;

3) маҳсулдор ижодий фикрлаш (тафаккур) жараёнини ташкил қилиш (эвристик фаолият);

4) эвристик фаолиятни ўрганадиган предмет; фикрлаш ҳақидаги фаннинг маҳсус бўлими. Фан сифатида психология, сунъий интеллект назарияси, структуравий лингвистика, ахборотлар назарияси предметларининг омихтаси сифатида ривожланади;

5) маҳсус ўқитиш усули (Сукрот сухбатлари) ёки муаммоларни кўплашиб ҳал қилиш. Бунда тальим олаётган кишиларга йўналтирувчи қўшимча саволлар ва мисоллар берилади. Мураккаб муаммоларни кўплашиб ҳал қилишда ғоя муаллифига иштирокчилар йўналтирувчи саволлар, мисоллар, акс мисоллар беришади⁵.

⁴ <https://uz.wiktionary.org/wiki/badiiy>

⁵ <https://qomus.info/encyclopedia/cat-e/evristika-uz/>

Бадий қадрият эса инсоннинг онгини ҳам моддий ҳам маънавий озиқлантиради. Бадийлик эстетик нафосат гўзаллик асарлари каби инсон онгини ҳам нафосат оламини мужассамлаштиради.

Бадий онг ижтимоий онг шакллари сингари маълум даврларда ўзининг нисбий мустақиллиги туфайли жамият асосини ташкил этувчи баъзи моҳиятларни тубдан ўзгартириб боришга фаол таъсир кўрсатиш мумкин. Бадий қадрият талаба иродасини намоён бўлишида катта рол ўйнайди. Бадий қадриятни талабаларда шакллантиришда уларнинг умуммиллийлиги, тарихий ҳодисалар, ўтмиш маданятига муҳаббат, миллий ифтихор туйғулари сифатида намоён бўлади. Бундан хулоса чиқариб айтиш мумкинки бадий қадриятларни ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва ахлоқий омилларга суюниб миллий мафкура асосида ривожлантириш мақсадга муофиқдир.

Талабаларни бадий қадриятларни шакллантиришда қуидагиларни бажар олиши зарур.

- бадий таҳлил турлари ва уларни асарга тадбиқ этиш йўлларини амалга ошириш;
- бадий асарни ҳар томонлама чукур таҳлил ета билиш;
- жаҳон адабиёти ва адабиётшунослиги тажрибаларини миллий адабиётга -қўллай билиш;
- бадий таҳлил методлари тарихини англаш;
- барча турдаги асарларни таҳлил ета олиш.

Бадий қадирятларни ўрганиш талабаларнинг адабий-эстетик тафаккурини юксалтиради, уларнинг эвристик ва креатив қобилиятини ривожлантиради, илмий мушоҳада қилишга ёрдам беради. Шунингдек, биз Чўлпоннинг «Адабиёт чин маъноси или ўлган, сўнган, ўчган, ярадор кўнгилга рух бермак учун, фақат вужудимизга эмас, қонларимизга қадар сингишган қора балчиқларни тозалайдирғон, ўткур юрак кирларини ювадурғон тоза маърифат суви, хиралашган ойналаримизни ёруғ ва равшан киладирғон, чанг ва тупроғлар тўлган кўзларимизни артуб тозалайдирғон булоқ суви бўлғонликдан бизга ғоят керакдир» каби бадийликка даҳлдор фикрлари ҳамма замонлар учун ҳам муҳим ва долзарблигини етказа олишимиз лозим. Бадий қадриятларга йўналтиихда талабалар ўртасида тажриба синов ўткзиш ва уни оммалаштириш мақсадга муофиқдир. Тажриба синов якуний хуласаларига таянган ҳолда бадийликни шакллантириш дарслар кесимида келтирилиш даркордир. Тажриба синов дастурини тест шаклида ишлаб чиқиш ва уларни тарғиб қилиш лозим. Тажриба синов жараёнлари бадий қадриятларни ривожлантирида яхшии самара беради.